

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

## Ёшлар



## Иш билан таъминланади

Алоқа ва ахборотлаштириш йўналишидаги ўқув юртлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилмоқда.

3-бет



### Сўнги янгилик!

Япониянинг Thanko компанияси ишлаб чиққан янги турдаги компьютер сичкончаси (USB Vacuum Mouse) асосий вазифасидан ташқари, чангюттич вазифасини ҳам бажаради. Унинг ёрдамида иш столини майда чиқиндилардан тозалаш, компьютер атрафидаги чанглардан халос бўлиш мумкин.



Алоқа оламида

### Ушбу сонда:

Она табиатни асрайлик!	2
Телеузатиш сифати қандай?	4
Приоритеты развития софтверной отрасли	6
IPv6га ўтиш бошланди	11
Тарихдан сабоқ олиб...	14
Қаҳва фойдалими?	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

## Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 4 июн куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Икки давлат раҳбарлари музокаралари якунида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шериклини чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномага қўшилиши бўйича истикболдаги кўшма чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаонинг таклифига биноан жорий йилнинг 5-6 июн кунлари расмий ташриф билан Хитойда бўлди. Хитой Раҳбарияти билан учрашув ва музокаралар чоғида ўзаро манфаатли хамкорликни янада мустахкамлаш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, 6-7 июн кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай хамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида ҳам иштирок этди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустахкамлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Гулистон Давлат университетида "Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими: муаммо ва ечимлар" мавзuida II Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Университетда ички локал тармоқ орқали фаолият кўрсатувчи "Таълим портали"нинг яратилгани анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Яқинда Японияда Ўзбекистонда "Мустахкам оила йили Давлат дастури"нинг ҳаётга таъбиқ этилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ибараки префектураси маъмурияти ва Цукуба шаҳри мэрияси, шунингдек, Япония эксперт-тахлил ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари катнашди.

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Наманган ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари раҳбариятининг тизимда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйишда интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш юзасидан хисоботлари тингланди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, маҳаллий давлат ва хўжалик бош-

қаруви органларида бажарилиши ҳолати муҳокама қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб чиқилган маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда тижорат фаолияти ва тадбиркорликда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ривожлантириши янада рағбатлантириш бўйича тегишли хужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, интернет тармоғида миллий сегментни бойитиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот ресурслари ва интерактив хизматларни кўпайтириш ва ривожлантириш мақсадида интернет тармоғидан фойдаланиш самарадор-

лигини баҳолаш ва ривожлантириш бўйича Республика услубий комиссияси таркиби ҳамда унинг низоми тасдиқланди.

Истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммунал хизматлар бўйича ҳисоб-китобларда автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш, тўловлар ҳисобини юритиш ва электрон тўловларни амалга ошириш мақсадида соҳа корхона ва ташкилотларида биллинг тизимларидан фойдаланиш ҳолати кўриб чиқилди. Ушбу тизимни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегишли тавсиялар берилди.

Кўрилган масалалар бўйича қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан таклифлар билдирилди. Йиғилиш натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Она табиатни асрайлик!

1972 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг атроф-муҳит муаммолари бўйича Стокгольмда бўлиб ўтган анжумани якунида 5 июни Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонлаш бўйича қарор қабул қилинган эди. Мана қирқ йилдирки, дунё ахли томонидан атроф-муҳитни химоя қилишга аҳоли эътиборини жалб қилишга қаратилган асосий воситалардан бири бўлиб қолган ушбу кун ўзгача тайёргарлик билан кутиб олинади.

Мамлакатимизда ҳам мазкур сана тадбирлари доирасида ҳар йилгидек муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, атроф-муҳитни химоя қилишга кенг жамоатчилик эътиборини янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан хамкорликда Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган махсус хотира тамғаси ва почта маркалари тайёрланди.

Шу муносабат билан 5 июн куни Алоқа тарихи музейида ушбу хотира тамғаси ҳамда почта маркаларининг сўндириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Шуҳрат Атамухамедов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Рустам Қосимов, Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Камолитдин Содиков, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши гуруҳ координатори Анастасия Маршалкина ҳамда соҳа тизимидаги бошқа корхона ва



ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, филателияга қизиқувчи жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Агентлик Бош директори ўринбосари Ш.Атамухамедов мазкур муҳим кун билан барчани муваққат эътиборини қаратиш, умуман олганда, ўзимиз яшаб турган шу заминни асраб-авайлаш, уни келажак авлодларга соф ҳолда етказиш барчамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан К.Содиков ва А.Маршалкиналар Бутунжаҳон атроф-муҳит кунини ўтказишдан мақсад, унинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган салмоқли ишлар ва бу ишларнинг халқаро миқёсдаги эътироби борасида йилгиларнинг хабардор қилдилар.

— Сўнгги йилларда дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги тушунчаси анча ўсди, — деди

жумладан К.Содиков. — Инсоният фаолияти ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ экан, бу бир томондан табиий ресурсларга бўлган талабни оширади, иккинчи томондан эса атроф-муҳитга зарар етказиши ва унинг захирасини тугатади. Шу боис, бутун бутун дунё бўйлаб табиатни асраб-авайлаш ва унга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга қаратилган экологик акциялар ўтказилмоқда.

Маърузалардан сўнг махсус хотира тамғасини сўндириш тадбири бўлиб ўтди. Махсус хотира тамғасида "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф-муҳит Дастурининг 40 йиллиги" логотипи тасвирланган. "BUTUNJAHON ATROF-MUHIT KUNI" ёзуви ва тамғанинг керакли реқвизитлари кўрсатилган. Тамға думалоқ шаклда бўлиб, эскизи дизайнер У.Юсупалиев томонидан тайёрланган.

Усмолжон Йўлдошев



# Ёшлар иш билан таъминланади

(Давомий. Бошланиши 1-бетда.)

Ўқув юртига қабул қилинган хар бир талаба келажакда ўзи танлаган касбнинг устаси бўлишни, шу соҳа ривожини учун хизмат қилишни дилига тугиб қўяди. Тошкент алоқа касб-қунар коллежи ўқувчилари — Дилобар Турсунбоева ва Зиёда Мирӣ-ўлчиевалар ҳам ўз олдидарига шундай максадни қўйган ёшлардан. Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида улар барча қорхона ва ташкилотларнинг таклифларини батафсил ўрганиб чиқишиб, таклиф қилинаётган иш шaroитлари билан танишишди.

"Бўш иш ўринлари билан танишган, тўртта қорхонага ўз резюмеларимни такдим этдим, — дейди Дилобар. — Бундай ярмаркаларнинг ташкил этилиши мен каби минглаб битирувчиларнинг ўзи қизиққан соҳаси бўйича иш топишига яқиндан ёрдам беради."

Зиёда ҳам ярмаркада истагидаги иш ўринлари хақида маълумот топибди. У келажакда "Ўзбектелеком" АКнинг Uzonline хизматида ишлаш нияти борлигини билдирди.


Умуман олганда, ярмаркада алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида, шунингдек, иктисодиётнинг бошқа соҳаларида фаолият юритувчи 47тадан зиёд қорхона ва ташкилот бўш иш ўринларини таклиф қилди. Жумладан, "Ўзбектелеком" АК ва унинг Тошкент шаҳридаги филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг "Тошкент почта-ти", "Халқаро почта-ти", Тошкент ва Сирдарё филиаллари, "Электроманит мослашув маркази" ДУК, ОАТ "Алоқабанк", "Матбуот тарқатувчи", МТС, "Шарқ Телеком" каби бир қатор

йирик қорхоналар вақант лавозимлар билан иштирок этди ҳамда битирувчиларга ишга жойлашиш бўйича йўлланмалар беришди.

Кун бўйи давом этган ярмаркада ТАТУ ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг алоқа, ахборот ва компютер технологияларига ихтисослашган касб-қунар коллежларининг 3 мингга яқин битирувчилари қатнашди.

Бу рақамлардан ҳам билиш мумкинки, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормокда. Республикамида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иктисодий ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун кулай шарт-шaroитларни яратиш учун кенг қўламли ишлар олиб бориляпти.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг жадал суръатларда ривожланиб бораётганини инобатга олиб, Тошкент ахборот технологиялари университети, шунингдек, республикамидаги 74та касб-қунар коллежида ўқув жараёнига ишлаб чиқаришни интеграциялаш максадига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги қорхона ва ташкилотлар иштирокида ўқув дастурлар, қўлланмаларни ишлаб чиқиш, моддий-техник базасини яхшилаш, мутахассисларни



дарс жараёнига жалб этиш, ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этиш ҳамда иш билан таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Шуларнинг мантқиқий давоми сифатида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ёшларимизнинг интеллектуал қобилиятлари ва имкониятларини юзага чиқаришга, Ватан тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилишларига қўмаклашиш, ижтимоий фаоллигини оширишга туртки беришда жуда муҳим ўрин тутди.

Буни ярмарка очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

"Таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги мамлакат тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг

иктисодий-ижтимоий, маданий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилувчи тизимдир, — деди А.Ишанходжаев. — Кадрлар тайёрлашни янги сифат босқичига қўтаришда ўрта-махсус, касб-қунар таълими муассасалари муҳим ўрин тутди. Ушбу ўқув муассасаларининг битирувчиларини мамлакатимиз меҳнат бозорига ўз ўринларини топишида ташкиллаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ўз самарасини беради, деб умид қиламан. Зеро, келажакда мамлакатимиз ривожини янада мустахкамлаш, тараққий эттириш Сиз азиз талаба-битирувчиларнинг ўқув жараёнида орттирган билимингизга боғлиқдир".

Ёшларнинг қатта ҳаётга қадам қўйишларида замин яратувчи бу каби тадбирлар июн ойида республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилиши режалаштирилган.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ТАТУ Фарғона филиалида ўтказилган "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ёшлар ҳаётида ширин хотиралар қолдирадиган бўлди. Уларнинг аксарияти ўзларига маъқул иш ўринларига эга бўлдилар.

Бўш иш ўринлари ярмаркасига келган ТАТУ Фарғона филиалининг 169 нафар, вилоятдаги алоқа, ахборот ва компютер технологияларига асосланган коллежларнинг 718 нафар битирувчиси ҳамда 130 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиаллари, Ахмад ал-Фарғоний номидаги АКМ, Электроманит мослашув хизмати, ОАТ "Алоқабанк" Фарғона филиали, "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалининг 2-боғламаси, "АЛ-СКОМ" суғурта компанияси Фарғона филиали, Андикон РТУМ Фарғона участкаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, Қува тумани халқ таълими бўлими каби 14та қорхона ва ташкилотларнинг кўргазмалари билан танишди.

Ярмарка очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот технологиялари қўмитаси аъзоси Зилола Собирова, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Аскарлов, ТАТУ Фарғона филиали директори Акбарали Расулов, Фарғона шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш маркази бошлиғи Мухаммадали Эминовлар Юртбошимиз томонидан ёшларга қўрсатилган вазифаларга батафсил

тўхталдилар ва ёшларни ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишга ундадилар, шу тадбирда ҳам ўзларига муносиб иш танлаш, меҳнат қўникмаси ва малакасини пинмай ошира бориш билан жамоада

**Ярмаркада 111 нафар битирувчи билан ишга қабул қилиш бўйича шартномалар тузилди. Уларнинг уч нафари ТАТУ Фарғона филиали, 108 нафари коллежларнинг битирувчиси.**

ва умуман ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишларида муваффақиятлар тилашди.

Ярмаркага келганлар орасида Фарғона тумани компютер технологиялари коллежи битирувчилари талайгина экан. Уларнинг қай бири билан суҳбатлаш-

## Муҳим воқеа

манг, ҳаммаси ТАТУда ўқиш орузида давлат тест синовларига жиддий тайёргарлик кўраётганини айтади. Шу жумладан, Гулноза Ахмедова ҳам. "Мен оиламдан, — деди у. — Лекин омадим чопиб ТАТУ Фарғона филиалига ўқишга кирсам, қайнотам ва қайнонам бажониди ёрдам берадиган бўлишди. Ниятим алоқа соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиш, халқимга сидқидил хизмат қилишдир".

Коллеж битирувчиси Авазбек Ортиқовнинг ҳам максоди шундай.

— Мен "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалида ишлашни оруз қилардим. Орузимга етдим, — деди у қувончини яширолмай. — Бироқ келажакда, албатта, почта соҳаси бўйича олий маълумот олмақчиман.

ТАТУ Фарғона филиалини тугаллаган Инъомжон Набижоновнинг қўзлари севинчдан порлаб турибди. У айна кунларда "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалида тармокни ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлимида амалиёт ўтаётган экан. "Диплом ишимни ёқлаб, айнан шу бўлимда иш бошласам, дунёда мендан ҳам бахтиёрроқ одам бўлмасди", — дейди у.

Олий маълумот олиб, мамлакатимизнинг асл фарзанди, соҳада кўзга қўрилган раҳбар, мутахассис бўлишга интиганларнинг қўлигидан қўнгилларимиз осмонлари ёришиб кетади. Зотан, олий маълумотлилар ўз шахсий турмуш даражасинингиз эмас, давлат ва халқ манфа-

атлари йўлида ҳам бунёдкорлик ишларини амалга оширишга қодир бўладилар. "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт"и мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати — резолюциясида ҳам "Миллий ва умуминсоний кадрларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга одамларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик максадларга ериша олади" дейилган.

Хулоса қилиб айтганда, ярмарка сўнгги йилда ёшлар дунёқараши ва маънавий, руҳий оламидаги юксалишларини ҳам, соҳа мутахассисларига эҳтиёж қучли эканлигини ҳам аниқ-равшан намоён этди. Вилоят шаҳар ва туманларидаги қатор мактабларга 150 нафардан кўпроқ олий маълумотли информатика фани ўқитувчиси етишмаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Ярмаркада 111 нафар битирувчи билан ишга қабул қилиш бўйича шартномалар тузилди. Уларнинг уч нафари ТАТУ Фарғона филиали, 108 нафари коллежларнинг битирувчиси.

Тадбирда вилоят ва Фарғона шаҳар ҳокимликлари, шаҳар прокуратураси масул ходимлари иштирок этдилар.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
"Xabar"нинг  
Фарғона вилоятидаги муҳбири

## Xalqaro hayot

**ЯПОНИЯ**лик олимлар қалбаки дори маҳсулотларини аниқлайдиган қурилма яратдилар. Ушбу ускуна ўрамдаги дори воситаларини ҳам текшириш хусусиятига эга. Маълумотларга кўра, қурилмага ўрнатилган лазер ёрдамида бир неча сония ичида препаратлардаги кимёвий элементлар таркибини, яъни дори-дармоннинг ҳақиқий ёки қалбакилигини аниқлаш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, бу янгилик дори-дармон маҳсулотлари бозорини назорат қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

**МИСР** тоғ дараларининг биридан қояга ўйиб ишланган расмлар топилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу расмлар беш минг йил аввал чизилган. Фор деворларида йирик ва майда шохли моллар, охулар ва бошқа кўплаб ҳайвонлар тасвирланган.

**ҲИНДИСТОН**нинг Археология бошқармаси дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Тожмаҳал мақбарасини зиёрат қилувчи сайёҳлар сонини қисқартирмоқчи. Бундан қўзланган асосий мақсад Бобурийлар сулоласи томонидан бунёд этилган ушбу бетакрор меъморий обидани асраб-авайлашдир. Мутахассисларнинг айтишича, сайёҳлар сафининг тобора орғиб бораётгани маъмур бетакрор ёдгорликка зиён етишига сабаб бўлмоқда.

**АҚШ**нинг Массачусетс технология институти олимлари томонидан дори препаратларини нинасиз юбориш имкониятига эга шприц ихтиро қилинди. Қурилма Лоренц кучи ёрдамида ишлайди, яъни кичик ҳажмдаги кучли магнит препаратни бир сонияда 314 метр тезликда юборадиган механизмни ҳаракатта келтиради. Игнаси инекторлар эса катта босимда тери остига сингиб кетади.

**ФРАНЦИЯ** ҳукуматининг қарорига биноан Париждаги Эйфел миносаси турли хилдаги ўсимликлар билан қопланади. Бундан қўзланган асосий мақсад дунёга машҳур ушбу диққатга сазовор жойнинг ташқи кўринишини янада кўркамлаштириш орқали сайёҳларни кўпроқ жалб қилишдан иборат.

Маълумотларга кўра, Эйфел миносасини йилга олти миллион сайёҳ томоша қилади. Лойиҳани амалга ошириш учун 72 миллион евро сарфланиши кутилмоқда. 2014 йилга бориб минора ям-яшил дарахтга айланади.

**ФИНЛЯНДИЯ**да гайриоддий жаррохлик амалиётига қўл урилди. Гап шундаки, жаррохлик жараёнида беморнинг ўнг қўли кесиб олиниб, чап қўлининг ўрнига ўрнатилган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, унинг чап қўли қирқ йил аввал маълум сабабларга кўра кесиб ташланган экан. Бемор бундан уч йил олдин инсулт ҳасталигига чалинган боис танасининг ўнг қисми фалаж бўлиб қолган. Шу сабабли у жонсиз ўнг қўлини чап қўлининг ўрнига ўрнатишга аҳд қилган.



Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий жараёнлар жадаллик билан кечмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган вазифалар, авваломбор, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига, илгор мамлакатлар қаторига кириши ҳамда халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган.

Барча соҳаларда ислохотларнинг изчиллик билан кечиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳамда сиёсий фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситалари, хусусан, теледастурлар тарқатиш субъектларини давлат ва жамият ўртасида мулоқотни таъминловчи кўприк деб аташ мумкин.

Маълумки, телевидение халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Президентимиз тақлиф этган Концепцияда фуқароларнинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, сиёсий фаоллигини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК) томонидан шакллантирилган "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт" ва "Тошкент" телеканаллари, халқимизнинг қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларига хос бўлган, мамлакатимизда ва хорижда кечаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий жараёнларни ҳолис ва эркин ифода этиб келмоқда.

Мазкур давлат телеканаллари республикада нафакат эфир орқали, балки кабел ва эфир-кабел телевидениеси тармоқлари орқали ҳам тарқатилмоқда. Бугунга кунда республикамиз ҳудудида 51та хўжалик юритувчи субъект лицензиялар асосида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича қораларо мувофиқлаштириш комиссияси (ИМК)нинг 2011 йил августида қабул қилинган қарори ва Агентликнинг тегишли буйруғига асосан Давлат алоқа инспекцияси "Электромагнит мослашув маркази" ДУК ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг октябр ойида республика ҳудудидаги 31та кабел ва эфир-кабел хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг 114та ретрансляцион студиялари орқали тарқатилаётган телеканаллар номи, уларнинг сифа-

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан шакллантирилган "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт" ва "Тошкент" телеканаллари халқимизнинг қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларига хос бўлган, мамлакатимизда ва хорижда кечаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий жараёнларни ҳолис ва эркин ифода этиб келмоқда.**

ти ҳамда сигналларнинг белгиланган меъёрларга мувофиқлиги юзасидан мониторинг ўтказди. Мониторингга "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт" ва "Тошкент" телеканалларининг сифати алоҳида эътибор қаратилди.

ИМКнинг тегишли баённомаларида кабел телевидениеси томонидан 12тагача телеканал ретрансляция қилинганда давлат телеканалларидан иккитаси, 12тадан ортиқ телеканал ретрансляция қилинганда давлат телеканалларидан тўрттаси тарқатилиши белгиланган. Ҳамкорликда ўтказилган мониторинг давомида ушбу талаб 20та кабел телевидениеси лицензиатлари томонидан тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланди. Жумладан, вилоят ҳудудларида 12тагача телеканал ретрансляция қилаётган 7та кабел телевидениеси субъектлари томонидан МТРКнинг фақат битта телеканали, 12тадан ортиқ телеканал ретрансляция қилаётган 13та кабел телевидениеси субъектларининг жами 30та студияси томонидан Тошкент ва Тошкент вилояти ҳудудларида учта ҳамда бошқа вилоят ҳудудларида иккита МТРКнинг телеканаллари тарқатилаётганлиги аниқланди. Шунингдек, 19та лицензиатнинг 33та студияси орқали кабел телевидени-

си тармоғида МТРКнинг теледастурлари сифатсиз ретрансляция қилинаётганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, ЭМММ томонидан кабел тармоқларида ўтказилган ўлчов ишлари натижасига кўра, 20та кабел телевидениеси хизматларини кўрсатувчи лицензиатларнинг 48та студияси орқали тегишли рухсатномаларда белгиланмаган частота диапазонидан телеканаллар ретрансляция қилаётганлиги аниқланиб, ушбу қонунбузарликка нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли баённомалар расмийлаштирилди. Қонунбузарликка йўл қўйган лицензиатларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш мақсадида, ДАИ томонидан 26та хўжалик юритувчи субъектга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди ҳамда 20та мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Шунингдек, мазкур ўтказилган мониторинг натижалари ДАИда мавжуд маълумотлар билан солиштирилиб, таҳлил этилганда, 2010 йилда бешта лицензиат томонидан Ўзбекистон Республикаси "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунининг ва лицензия келишуви шартларининг талабларини тақроран бузишга йўл қўйганлиги сабабли Агентлик томонидан камчиликларни бартараф этиш мuddати белгиланиб, "КВК SEBZOR TV" ХКга тегишли кўрсатма берилди, шу билан бирга, "Sogd Telekom" ХК, "Андижон вилояти кабел телевидениеси" МЧЖ, "Namangan Inter Tele Kabel Servis" МЧЖ ҳамда "S-Iqbol" ХФларнинг тегишли лицензия фаолияти Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича қораларо мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилиб, огоҳлантириш хатлари берилди.

Мазкур ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар жараёнида аниқланган камчиликлар кабел, эфир-кабел телевидениеси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан бартараф этилди.

Республика ҳудудида тарқатишга рухсат этилган хорижий телеканалларнинг белгиланган меъёр ва қоидаларига мувофиқ тарқатилиши таъминланди, шунингдек, давлат ва маҳаллий телеканалларнинг сифати яхшиланди.

**И.АШУРОВ,**  
ДАИ радиоалоқа,  
радиоэшитириш ва  
телевидение бўлими бошлиғи

## Янги шароит шарофати

Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенгрок фойдаланиш кўзда тутилган. Шу мақсадда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш зарурлиги белгилаб берилди.

**Ж**ойларда "Ягона ойна" тизимидаги замонавий шобочалар ишга туширилаётганини концепция доирасидаги хайрли ишлардан бири десак адашмаймиз. Чунки, кўп тармоқли ва тезкор хизмат кундалик ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига қулай имкониятлар эшитини очмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар хоҳлаган пайтда ва исталган манзил билан боғланиб, олтидан қиммат вақтининг кадрига етмоқда. Аҳоли эса коммунал хизмат тўловлари учун ортиқча ташвиш чекмаяпти. Хизматимиздан йўл-йўлакай фойдаланиб кетишяпти.

Шу ўринда онлайн тизими хизматлари ривожда ҳам ўз ўрнини борлигини эътироф этмоқчи эдим. Ҳозир туманимизда интернет мижозлари сони 300дан ошиб кетди. Шундан 19таси ташкилотлар ҳисобланади. Ёки асосан интернетга уланган оилаларга кўпроқ хизмат кўрсатаймиз. Фуқаролар АКШ, Канада, Жанубий Корея, Россия, Франция ва Япония мамлакатларида ўқиётган ҳамда ишлаётган қавму қариндошлари, ўғил-қизлари ва турмуш ўртоғи билан худди уйда, дастурхон атрофида ўтиргандай суҳбатлашишмоқда.

Хуллас, яратилган янги шароит шарофати қайсидир маънода оилаларни мустахкамлашга баҳоли-қудрат ҳисса қўшмоқда. Шундай экан, амалдаги хайрли ишларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Матлубахон ОЧИЛОВА,**  
"Ягона ойна" тизимидаги  
Денов савдо офиси менежери

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг ўқув-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва хўжалик фаолиятларини янада такомиллаштириш ҳамда алоқа, ахборот ва компютер технологиялари йўналишидаги касб-хунар коллежларининг интеграциясини ва ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги ишлари тўғрисида филиалининг ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, педагогика фанлари номзоди, доцент Қобилжон МУСТА-ФОВЕВ бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:



# Ҳамкорликнинг янги уфқлари

— Ҳозирда мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар, илмий ва ўқув муассасалари соҳа бўйича замонавий технологияларни тезкорликда жамият ҳаётига татбиқ қилиш билан шуғулланиб келмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўрта ва юқори маълумотли мутахассислар тайёрлашда касб-хунар коллежлари ва Тошкент ахборот технологиялари университети фаолият кўрсатиб келяпти. Ҳозирда юртимизда компютер, интернет, мобил алоқа воситалари етиб бормаган худуд деярли йўқ. Тармоқ технологиялари бўйича янги самарали ечимлар республика ҳудудидида магистрал ва маҳаллий алоқа тизимларини янада ривожлантириш имкониятини бермоқда. Бу ҳолат интернет ва мобил алоқа тизимларини республикаимизнинг чекка худудлари орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиш, мулоқот этиш шароитини яратди.

Шундай экан, таълим жараёнида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компютер техникаси билан мустахкамлаш, шунингдек, тайёрланаётган мутахассислар маънавий дунёсини бойитиш, ўқитишнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда илгор педагогик технологияларни қўллаш, назарий билимларни амалиётда қўллаш орқали кўникмаларини ошириш, уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш устувор вазифалардан саналади. Бу борада филиалимиз томонидан илм-фанни янада ривожлантириш, иктидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу мақсадда вилоятимизда ҳам

**Коллежларда ўқитиладиган 11та фан бўйича ўқув-услубий адабиётлар тайёрланиб, уларнинг босма ва электрон вариантлари билан тўлиқ таъминланишига эришилди.**

бир мунча ижобий ишлар олиб борилмоқда.

ТАТУ Қарши филиалига бириктирилган вилоятдаги ахборот ва компютер технологиялари касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик шартномалари тузилиб, уларни малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилди. Қарши ва Косон компютер технологиялари коллежларининг 40 нафар талабасини филиалда амалиёт ўташлари йўлга қўйилиб, Қарши ахборот технологиялари коллежидида филиалимизнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси филиали фаолият олиб бормоқда. Мазкур коллежнинг ўқув-тарбия жараёнида кафедранинг филиали ўз хиссасини қўшиб, машғулотларда янги педагогик ва ахборот технологиялари соҳасида эришган ютуқларни татбиқ этмоқда. Эътиборли томони, Германия таълим лойиҳаси асосида ташкил этилган ва замонавий жиҳозланган ўқув лабораториясидаги ўқитиш воситалари ва қурилмаларидан филиалимизнинг талабалари ҳам ўқув жараёнида фойдаланиб келишмоқда. Қарши компютер технологиялари коллежидида эса "Касб таълими ва телекоммуникация" кафедраси филиали, Гузор ахборот технологиялари коллежидида "Табиий ва умумқасбий фанлар" кафедраларининг филиаллари фаолият олиб бориб, у ердаги ўқув жараёни, ўқув режалари, фан дастурлари ўрганилиб, тегишли маслаҳатлар, таклифлар бериб борилмоқда. Филиалимизнинг ўн на-

фар профессор-ўқитувчилари бириктирилган коллежларда ўқув машғулотларини олиб боришга жалб этилган. Коллежларда ўқитиладиган 11та фан бўйича ўқув-услубий адабиётлар тайёрланиб, уларнинг босма ва электрон вариантлари билан тўлиқ таъминланишига эришилди.

"Информатика ва ахборот технологиялари" кафедрасида тузилган "Matlab тизими ва унда ишлаш асослари" курси бўйича коллежларнинг саккиз нафар ўқитувчиси 18 соатлик ўқув курсларига жалб этилиб, тингловчилар курснинг методик кўрсатмаси ва ўқитишнинг электрон маъруза матнлари билан таъминланди. Қарши ва Косон компютер технологиялари коллежларида "Компютер тармоқларини ўрганиш ва ишлатиш", "Компютер ва компютер тармоқларини соzлаш ва ишлатиш техниги" мутахассисликларининг ўқув режалари ҳамда "Веб дастурлаш" маълумотлар мазмунини, "Шахсий компютерга техник хизмат кўрсатиш", "Переферик ва офис қурилмаларини таъмирлаш ва ишлатиш" фани дастурлари ўрганиб чиқилиб, таклифлар берилди, иккита компютер ўқувчиларининг фойдаланишлари учун ажратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 30 сентябрдаги 189-фармойишига асосан фойдаланишдан чиқарилган компютер техникалари соҳа йўналишидаги коллежларга етказиб берилди. Шахрисабз ахборот технологиялари коллежи ўқитувчиси Тоҳир Самадов, Косон ахборот технологиялари коллежи ўқитувчиси Жамол Умировлар филиалда амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларда қатнашмоқда. "Табиий ва умумқасбий фанлар" кафедраси мудири, Э.Аликулов, "Касб таълими ва телекоммуникация" кафедраси мудири Н.Қаюмова, "Гуманитар ва иктимой-иқтисодий фанлар" кафедраси мудири Г.Худоёрова, факултет декани А.Ҳамроев ва филиалининг профессор-ўқитувчилари соҳа йўналишидаги коллежларда турли мавзуларда семинар-тренинглар, учрашувлар ташкил этиб, ўқувчи-ёшларнинг келгусида малакали мутахассислар бўлиб етишишлари йўлида кизиклиларини ошириб, назарий ва амалий билимларини мустахкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

**Афтондил ИСМОИЛОВ**  
ёзиб олди,  
Қашқадарё вилояти

## Бир вилоятдан икки хабар


Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида давлат бошқарув органлари ходимлари ва мутахассисларини "Компютер техникаларидан фойдаланиш, қўллаш ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда электрон ҳужжат алмашиш тизимини ривожлантириш" мавзиси бўйича малака ошириш курслари ўтказилди.

Филиал мутахассис-ўқитувчилари, шунингдек, вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликларида малака ошириш курсларини ташкил этиб, унда маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари ходимлари ишда компютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, электрон ҳужжат алмашиш тизими бўйича малакага эга бўлдилар.

ТАТУ Қарши филиалида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари касб-хунар коллежларининг махсус фанлар (информатика, ахборот технологиялари) ўқитувчилари учун сайёр малака ошириш курси фаолият олиб борди.

Унда ТАТУ ҳамда унинг Қарши филиали профессор-ўқитувчилари машғулот олиб бориб, касб-хунар коллежларининг махсус фанлар ўқитувчилари малака оширилди.

Ўз мухбиримиз



## Приоритеты развития софтверной отрасли

Сегодня вопросы производства программных продуктов приобретают особую актуальность в мире. Они являются основой развития всей информационно-коммуникационной сферы, способствуют обеспечению информационной безопасности, важнейшим условием инновационного развития национальных экономик, обеспечивают конкурентоспособность страны в условиях глобализации.

Задача дальнейшей диверсификации структуры экспорта и в целом внешнеторгового оборота за счет опережающего развития современных отраслей и производств, таких, как отрасль современных информационных технологий, является актуальной задачей реформирования национальной экономики. Особую роль в решении данной задачи могло бы сыграть комплексное развитие отечественной индустрии программных продуктов.

Стратегическими целями развития софтверной индустрии в рамках модернизации национальной экономики являются следующие:

- модернизация отечественной отрасли ИКТ — превращение страны в международный центр разработки программной обеспечения и ИТ-услуг;
- обеспечение национальной безопасности страны в части технологической независимости и информационной безопасности;
- ликвидация отставания по уровню использования информационных технологий в экономике, государственном управлении и общественной жизни;
- сокращение затрат государственных структур на ИКТ и переориентация финансовых потоков на отечественный рынок;
- развитие фундаментальной и прикладной науки в области современных ИКТ и создание предпосылок для инновационного прорыва в отрасли;
- реструктуризация экономики за счет развития несрыбного производства, формирование источника валютных поступлений и реализации политики импортозамещения.

Анализ опыта зарубежных стран, в частности, имеющих развивающиеся ИТ-рынки, показывает наличие характерных негативных тенденций, которые отражаются также и на развитии национального софтверного рынка.

В первую очередь, необходимо отметить достаточно сильную монополию зарубежных компаний в области про-

граммного обеспечения, например, Microsoft, Oracle, Adobe и др.

Аналогичная ситуация наблюдается и с информационным доминированием в использовании глобальных интернет-сервисов, таких, как Google, Gmail, Yandex и др.

Важной тенденцией является отток профессиональных кадров из развивающихся стран.

Наряду с этим, следует также отметить, что более 80% используемого программного обеспечения — зарубежного производства (в США — около 10%, в ряде отраслей использование иностранного ПО ограничено). Статистика свидетельствует о том, что ежегодно тратится на ПО зарубежного производства до 10% ВВП, ежегодно уезжает до 25% квалифицированных ИТ-специалистов.

Учитывая вышесказанное, во многих странах активно ведется реформирование законодательства по регулированию ИТ-сферы. В частности, в Республике Корея принят "Акт о поддержке софтверной индустрии", в Украине принят закон "Об экономическом эксперименте по созданию благоприятных условий для развития в Украине индустрии программной продукции". В России правительственной комиссией по высоким технологиям и инновациям среди перечня технологических платформ утверждена "Национальная программная платформа".

В Узбекистане путем совершенствования законодательства в сфере ИКТ решаются следующие задачи:

- разработка собственных, национальных версий критически важных программных продуктов;
- создание Национального фонда алгоритмов и программ, что позволит избежать дублирования разработок по государственному заказу;
- инновационные решения в области создания персональных защищенных рабочих мест;
- расширение национального домена в интернете, реализация проектов веб-программирования;
- совершенствование системы подготовки программистов.

**Актуальные направления совершенствования законодательства по регулированию сферы**

Исполнение положений Постановления Президента РУ №1730 от 21 марта 2012 года "О мерах по дальнейшему развитию и внедрению информационно-коммуникационных технологий" пред-

полагает, в первую очередь, совершенствование нормативно-правовой базы, регламентирующей использование специализированных программных продуктов в государственных органах.

В рамках реализации документа необходимо дальнейшее совершенствование мер стимулирования национальных разработчиков программного обеспечения и высококвалифицированных специалистов по ИКТ государственных органов.

Наряду с этим, важнейшим направлением является расширение использования лицензионного программного обеспечения, преимущественно отечественного производства, либо свободно распространяемого ПО с открытым кодом.

В рамках мероприятий по реализации положений Постановления Президента РУ №1730 от 21 марта 2012 года разработан проект Постановления Президента Республики Узбекистан, предусматривающий меры по:

- преференциям для покупателей отечественного ПО;
- вывод из налогооблагаемой базы средств, направляемых на закупку отечественного ПО;
- постатейное закрепление в бюджетах органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах объема средств, предназначенных для финансирования проектов информатизации, стимулированию национальных разработчиков ПО;
- саморегулирование отрасли;
- создание специализированного фонда;
- организация постоянно действующего демонстрационного зала;
- содействие промо-акциям отрасли и другие.

Наряду с этим предусматривается работа по совершенствованию сопутствующих законодательных актов, направленных на формирование целевой программы государственной поддержки развития софтверной индустрии и ее экспортного потенциала:

- изменения и дополнения в Закон "О правовой охране программ для ЭВМ и баз данных";
- Закон "О государственных базах данных";
- Закон "О защите персональных данных".

**Илхом АБДУЛЛАЕВ, заместитель председателя Комитета по вопросам информации и коммуникационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан**

### "Билайн" передал ТУИТ оборудование для учебной лаборатории

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) сообщает о расширении сотрудничества с Ташкентским университетом информационных технологий (ТУИТ). В рамках этого партнерства оператор передал университету оборудование для учебной лаборатории.

"ТУИТ — один из ведущих вузов страны, а также кузница кадров для телеком-операторов, — отметил старший менеджер по связям с общественностью Unitel Ораз Абдуразаков. — Вот уже четвертый год мы сотрудничаем в рамках программы "Билайн" "Третье поколение", и за это время десятки стажеров получили работу в нашей компании. Поэтому мы крайне заинтересованы в дальнейшем совершенствовании образовательных процессов и их практической составляющей. Уверен, что переданное нами оборудование будет активно использоваться студентами ТУИТ в новом учебном году".

### "Ucell" стал генеральным спонсором экологической недели

5 июня Узбекистан отметил Всемирный день окружающей среды. Этому дню предшествовало проведение Экологической недели, программа которой в нынешнем году оказалась очень интересной и насыщенной.


Организаторы мероприятия, а ими были Представительство ПРООН и Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы совместно с Информационным офисом ООН, сумели организовать в короткий промежуток времени с 31 мая по 5 июня большое количество мероприятий: конференций, фестивалей и форумов, конкурсов, презентаций. Генеральным спонсором и официальным партнером Экологической недели стал популярный оператор мобильной связи "Ucell".

В отличие от многих общественных акций, ограниченных лишь столицей нашей страны, Экологическая неделя затронула все регионы Узбекистана.

Осознавая, что экологические проблемы оказывают воздействие на социально-экономическое благополучие общества и состояние экономики в целом, оператор мобильной связи "Ucell" и принял решение о поддержке организованных в рамках Экологической недели мероприятий, — отметил глава отдела по корпоративным коммуникациям "Ucell" Даврон Азизов. — Активная социальная позиция и всемерное участие в социальных инициативах, проводимых в Узбекистане, — принципиальная политика бренда "Ucell".

# Хабар +tv

## ДУШАНБА — 11 ИЮН



- 5:55 Кўрсатувлар дастури.
- 6:00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7:00 "Онам ва одам" дастури. Табиат мўъжизалари
- 7:15 "Иқлим"
- 7:20 "Кўнгли қўшиқ истайди".
- 7:30 "Уй юмушлари" / Т.с.
- 8:00 Тақдирнома
- 8:40-9:30 "Мамлакат" дастури.
- 9:30 "Моҳир қўллар"
- 9:40 "Минг бир ривож"
- 9:45 "Биз" суҳбати: "Этнокад муҳаббатини йўлга"
Шу каби муаммоларни хал этиш мақсадида республикамизда ижтимоий

тармоқларни ривожлантириш бўйича кўплай миллий лойиҳалар ташкил этилмоқда. Бунга мисол қилиб 2001 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Интернет фестивали"ни айтиш мумкин.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ўтказиб келинаётган "IT-SCHOOL" дарслари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 10-15 кун давом этадиган ушбу мактаб давомида ёш веб-мутахассислар томонидан мамлакатимизда миллий ижтимоий тармоқларни ривожлантиришга қаратилган муаммолар ўрганилади ва амалиёт сифатида Uz доменлари таркибига янги бир ижтимоий лойиҳани тақдим этадилар. Ўйлайманки, бу каби ўтказилаётган тадбирлар ҳозирги кунда глобал муаммо дея эътироф этилаётган маънавий таҳдид хуружидан маълум даражада сақланишимизга ёрдам беради.

Соҳанинг бўлажак ёш мутахассиси сифатида тақлим қуйидагича: барчамизга маълум, мамлакатимизда TATU-нинг 5та филиали фаолият юритмоқда. Шу 5та филиал ўз таркибиде "Веб-дастурчилар" гуруҳини ташкил этса ва бу гуруҳлар ўртасида мунтазам равишда рақобат асосида иш олиб борилса. Аниқ айтиш мумкин, бундай курашлар юқоридаги сингари муаммоларнинг ечимини топишимизда айни муддао бўлади.

**Дилдора ЭШИМОВА,  
TATU Фарғона филиали  
2-босқич талабаси**

Коммутацияли ёки арендали каналлар, айниқса, мобил тармоқ ёрдамида маълумотларни узатишдан кўра пакетли радиомодемлар орқали йўллаш кўп ҳолларда ишончли ва арзондир. Радиомодем воситасида қурилган узатиш тармоғидан даярлик барча географик минтақаларда фойдаланиш мумкин. Қўлланилган радиостанцияга боғлиқ равишда тармоқ ўз иккисизларга бир километрдан юзлаб километр радиусгача бўлган масофада узлуксиз хизмат кўрсатади. Хужжатлар, маълумотномалар каби кичик ҳажмдаги ахборотни узатиш зарурияти мавжуд бўлган вазиятларда радиомодемлар самарали қўлланилиши мумкин.

Хар қандай тармоқ маълум бир протокол асосида яратилади. Яқин-яқингача пакетли радиоалоқа тармоқлари X.25 протоколи ёрдамида қурилар эди. X.25 протоқолининг ишончилиги сабабли телефон тармоғи асосида кенг миқёсда корпоратив ва халқаро хизматлар кўрсатувчи SWIFT (банк тўлов тизими), SITA (хаво транспортини маълумот хизмат кўрсатиш тизими) тармоқларида фойдаланилган. Ушбу протокол ёрдамида маълумотларни 56, 64

Кбит/с. тезлик билан узатиш мумкин эди. Бугунги кунга келиб, X.25 ўрнини бошқалари эгаллаган бўлишига қарамадан, бу инфратузилма хали ҳам ривожланмаган давлатлар ва минтақаларда кенг тарқалган. Мамлакатимизда эса аллақачон Frame Relay, ISDN, ATM ва IP протоқоли каби юқори тезлик ва ишончли тармоқ яратиш имкониятини берувчи технологиялар татбиқ қилиняпти.

Пакетли алоқа протоқоли X.25га кўра, ахборот кадр деб аталадиган блоklar шаклида узатилади. Кадрда ахборотдан ташқари йўлловчи, қабул қилувчи манзили, ретранслятор ва кадрларнинг тўлиқ қабул қилинганлигини текширувчи маълумотлар мавжуд бўлади.

Пакетли радиоалоқада қисқа ва ултрақисқа тўлқинли радиостанциялар асосан частотали модуляция туридан фойдаланади. Қисқа тўлқин диапазонда 300 Бит/с. тезликда маълумот узатиш таъминланади. Ултрақисқа тўлқинли диапазонда тезлик 1200 Бит/с.га етади. Нисбий фаза модуля-

цияси қўлланилганда узатиш тезлиги 2400, 4800, 9600 ва 19200 Бит/с.га тенг бўлади.

Радиомодем пакетли контроллер деб ҳам аталади. Бунга сабаб, унинг таркибиде махсус контроллер мавжуд бўлиб, у ахборотнинг компютер билан ўзаро алмашилувини, кадрларни бошқариш, шакллантириш вазифаларини бажаради.

Одатда пакетли алоқа станцияси компютер, радиомодем TNC (Terminal Node Controller) ва қисқа тўлқинли ёки ултрақисқа тўлқинли диапазонда ишловчи радиостанциядан иборат.

Барча пакетли радиотармоқ фойдаланувчилари ягона протокол сифатида X.25 стандартини ишлатади (радиоҳаваскорлар учун унинг қайта ишланмаси бўлган AX.25 стандарти мавжуд).

Пакетли радиомодемлар "нуқта-нуқта" режимда эмас, балки кўп фойдаланувчи режимда ишлашга йўналтирилган, бунда бир радиоканал орқали тармоқдаги барча фойдаланувчилар маълумотларини узатишлари мумкин. AX.25 протоқоли алоқа каналининг бандлигини назорат қилиш орқали ушбу

режимни таъминлайди. Тармоқдаги барча иккисизлар тенг ҳуқуқли ҳисобланиб, ахборотни узатишдан олдин радиомодем канали бўш ёки банд эканлигини текширади. Агар канал банд бўлса, маълумотни узатиш канал бўшагунгача кечиктирилади. Айни бир вақтда иккисиз модем ахборот узатса сигналлар қўшиқчи кузатилади. Узатувчи радиомодем бу ҳақда қабул қилувчидан қоникатрис жавоб олганида ёки тайм-аут натижасида билиб олади. Бу вазиятда у ахборотни қайта узатиши шарт. AX.25 протоқоли вазифасини TNC қурилмаси бажаради. Шу тарика иккисизлар ўртасида ахборот алмашуви имконияти яратилади.

Ахборот-телекоммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда техник ишланмаларни яратиш, шунингдек, мавжуд инфраструктура асосида уларни татбиқ қилиш муҳим масала эканлигини ёддан чиқармаслик лозим.

**Илхом ИБРОХИМОВ,  
TATU 2-босқич талабаси**

## Пакетли радиоалоқа

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бошқарув девони ходимлари ҳамда "Тошкент почтамти" филиали, почта алоқаси тармоқлари ва алоқа ходимлари иштирокида "Миссионерлик — жаҳолат сари йўл" мавзусига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда аср муаммолари қаторига кириб бораётган маъруза масаланинг таг илдизи, унинг тинч ва осойишта ҳаётимизга аста-секин кириб бориши ҳамда бунинг натижасида асосан юрт келажаги саналмиш ёшлар онгига кўрсатаётган салбий таъсири, унинг оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтилди.

# Миссионерлик — жаҳолат чоҳи

Жамият бош директори ўринбосари И.Назаров ушбу мавзу бўйича маъруза килди. Муаммонинг дунё бўйлаб жиддий тус олаётгани, айниқса, энди ривожланаётган мамлакатлар орасида турли ёт диний қарашларнинг урчиб кетаётганини тилга олиб, бундай оғрикли масалани ўз вақтида бутун жамоатчиликни хабардор қилган ҳолда бартафаз этиш ниҳоятда муҳим эканини таъкидлади.

Миссионерлик нима ўзи? Маърузачи ана шу саволга батафсил жавоб берди:

— Манбаларда келтирилишича, миссионерлик — бу бир динга этикод килувчи халқлар орасида бошқа динни тарғиб қилишни аниқлатади. Ушбу сўз лотин тилидаги "missio" феълидан олинган бўлиб, "юбориш", "вазифа топшириш", миссионер эса "вазифани бажарувчи" деган маънони билдиради. Миссионерлик белгиланган вазифаларни хал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуидир.

Дин, унинг моҳияти, ҳаётдаги ўрни ҳақида чуқур маълумотга эга бўлмаган одамлар фикрини ўзгартириш, уларга бир динни ёмон кўрсатиб, бошқасини яхши деб талқин қилиш хамиша осон. Миссионерлар асосан таъсирчан ваъзалари орқали айнан билимсиз кишиларни чалғитишга ва тақлиф этилаётган динни қабул қилишга даъват этадилар. Оқибатда эса оми инсонлардан ташкил топган турли секталар, оким ва диний жамоалар мамлакатда тартибсизликларни келтириб чиқаради.

Миссионерлик фаолияти кўпгина диний ҳаракатларга хос. Масалан, буддизмда миссионерлик кўплаб ҳолларда одамлар орасида доимий юрайдиган монахлар томонидан амалга оширилиб, милoddан аввалги III асрдан бошлаб тарқалган. Христианларда миссионерлик

милoddий IV асрда пайдо бўлган.

Мамлакатимиз қонунчилигида бир динга мансуб шахсларни бошқа динларга мансуб шахсларнинг таъйинидан ҳимоя қилишга қаратилган нормалар назарда тутилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 99-қарори билан тасдиқланган Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низоомга кўра, таълим жараёнида прозелитизм ва миссионерликнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўйилмайди.

Тадбир иштирокчилари миссионерликнинг салбий оқибатлари борасидаги ўз мулоҳаза ва

ган воқеликларни акс эттирувчи "Қувончинг қайғуси" деб номланган ҳужжатли фильм иштирокчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Филм намойишидан сўнг "Тошкент почтамти" филиали қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Т.Мухаммедова сўзга чи-

қиб, филмдан ҳар бир почта ходими ўзига тегишли ҳулоса чиқариши, локайдликка йўл қўймаслик кераклигини таъкидлади. Давлатимиз томонидан келгуси авлодларимиз бўлиши болаларнинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани, жумладан, почта ходимларининг болалари учун соғломлаштириш оромгоҳларига "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан бепул йўлланмалар берилаётгани ва барча шароитлар яратилаётгани тўғрисида гапириб ўтди.

Айтиш мумкинки, фильм болажонларнинг айна ёзги таълига чиқишлари олдида намойиш этилгани биз ота-оналарнинг янада огоҳликка, хушёрликка чорлашга ҳизмат қилади.

Тадбир сўнгида йиғилган меҳмонлар ва ходимлар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди, маъруз муаммонинг нечоғлик долзарб аҳамият касб этиши борасида фикр алмашишди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, умумбашарий кадрятларни емиришга қаратилган миссионерлик каби разил мақсадлар ҳеч қандай бахт келтирмайди. Ўз ниятлари йўлида миссионерликни касб қилиб олган қимсалар ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, Президентимизнинг қўйидаги сўзларини доимо ёдда тутиш лозим: "Одамнинг ўз мустақил фикрига, собит этикодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий кадрятлар, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши турли шаклларда, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишда содир этиладиган таъйинларга бардош беришнинг асосий шarti хисобланади". Ушбу жумлалар замиридаги маъно бугун ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида, ҳар бир соҳасида ўзининг нақадар катта аҳамиятга эга эканини аниқлаб турибди.

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот хизмати**

## FOTOREPORTAJ

### Дунёни тўлдирсин болажонлар кулгуси

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ОАТ "Алоқабанк" ходимларининг фарзандлари учун байрам тадбири ташкил этилди.



Тадбирда мулфильм ва эртақ қаҳрамонларининг иштироки болажонлар қайфиятини янада оширди.

Улар биргаликда турли ўйинларни ўйнаб, топшмоқлар айтишди, кўғирчоқ ўйинларини мириқиб томоша қилишди.



Тадбир доирасида банк ходимлари фарзандлари ўртасида "Фарзандларимиз ижоди" деб номланган расмлар танлови ҳам ўтказилди.



Тадбир якунида бир-бирдан ажойиб расмларни чизган болакайларга банк томонидан совғалар улашилди.

**Ўз мухбириримиз**

## Буюк келажак нишонлари

Бола кулса — олам кулади. Чунки бола ана шу оламнинг тиргаги, таянчи, келажакдир. Шунинг учун ҳам олам келажакга болаларимизнинг соғломлиги, бахтиёрлиги, фаровонлиги, беғам-беташвишлиги билан боғлиқ. Болаларнинг бахтиёрлиги учун ҳар қандай меҳнат қилсак, елиб-югурсак арзийди.

Навоний вилоятни ахборот-кутубхона марказида "Турон" маҳалласи ҳамкорлигида 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Буюк келажак нишонлари" мавзусида адабий-бадиий тадбир бўлиб ўтди. Унда ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Шамсия Бақоева, "Турон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғулom Қаюмов, АКМ илмий-услубият бўлими мудир Жамилла Бобомуродовалар болажонларни байрам билан табриқлашди.

Тадбирда болажонларимиз ўзларининг бетакрор қўшиқ ва рақслари ҳамда қизиқарли ўйинлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Билмидон, зукко, чакқон ва расм чизишга қизиқадиган болажонлар эса "Менинг оилам" мавзусида расмлар чизишди. "Камалак" болалар боччасида тарбияланувчи жажжи болажонлар ҳам ўзларининг рақслари билан тадбирга ўзгача жозиба бағишладди.

Тадбирда фаол иштирок этган болажонларга АКМ ва "Турон" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Фароғат РАҲМАТОВА, АКМ етакчи кутубхоначиси**

**BACKUP.UZ**  
CENTR.UZINFOCOM

**Энди ўзбек тилида**

Яқинда BACKUP.UZ сайтини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича ишлар ўз ниҳоясига етди ва 1 июндан бошлаб сайтини ўзбек тилидаги талқини ишга туширилади. Эслатиб ўтамиз, маъруз хизмат 2011 йилнинг 6 апрелида UZINFOCOM Даға маркази базасида йўлга қўйилганди.

Backup.uz — узоклашган маълумотларни захирали нуسخалаш хизмати хисобланади. У муҳим маълумотлар, маълумотлар базаси, веб-сайтлар ва бошқа ресурсларнинг нуسخасини сақлаб қолтиш имконини беради. Узоклашган захирали нуسخалаш технологияси ташиқлотларга ўзларининг муҳим маълумотларини ҳимоялаш учун кенг имкониятларни яратади. У зарарли код таъсири, файлларнинг йўқолиши, жиҳозлар ва қаттиқ дискдаги жамловчиларнинг пиддан чиқиши, табиий офатлар ва инсоний хатолар каби таҳдидлардан муҳим маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлайди.

Тошкент ахборот технологиялари университетиди "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда Юнусобод туман Кенгаши ҳамкорлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ОАВ вакиллари саволларига берган жавобларидан келиб чиқадиган хулосалар юзасидан "Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш — бугунги ҳаётнинг ўткир талаби" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда республика Миллий оя ва мафкура илмий-амалий маркази вакиллари, республикамизнинг таълим олимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, партия Тошкент шаҳар Кенгаши девони ходимлари, туман Кенгашлари раис ва ўринбосарлари, Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.


Илмий-амалий семинарда сўзга чиққанлар хотира майдонидаги суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириши лозим бўлган яна бир ўта муҳим мавзуда батафсил тўхталиб ўтганлиги, яъни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 67 йил тўлишига қарамадан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли

худоулариди фашизм деган офат яна илдиз отаётгани, қайта бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида куйиниб гапирганлари аҳамият-ли эканлигини таъкидлашди.

Президентимиз Ислом Каримов нуқтадаги айни бир муҳим гап "Эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир кара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишни бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яққола ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади" деган, бамисоли қалб нидоси каби янграган даъваткор сўзлари ҳаммамизни ён-атрофимизга сергак назар ташлаб, маънавий жиҳатдан доимо уйғок бўлиб яшашга ундайди.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг қўлга киритилганига эндигина йигирма йил тўлган бўлсада, халқимиз озодликнинг хур нафаси ила эркин ва мустақил,

# Тарихдан сабоқ олиб...



ошқора фикрлашга эришди. Тарихий кадрият ва аъналаримизнинг буюклиги эса маънавий оламимизнинг бойишига, ўзбек давлатчилиги тарихидаги буюк аждоқларимизнинг моддий-маънавий меросига хурмат руҳи шаклланиб, ҳар бир шахс ўз фуқаролик позициясига эга бўлган ҳолда ижтимоий жараёнларнинг фаол кишига, мустақиллики таъминловчи, ўзбекка хос менталитетни камситмаган ҳолда демократик қарашларни ўзида шакллантира олди.

Юртбошимиз суҳбат давомида яна бир муҳим масалага эътиборини қаратиб, унинг-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ота-боболар аъналарини давом

эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан хурмат-эҳтиром, гурур-ифтихор туйғуси билан яшаш миллий ўзига хослигимизнинг асосий белгиси ва ҳал қилувчи шарти эканини алоҳида эътироф этди. Дарвоқе, мустақилликнинг илк кунлариданок юртимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама қомил инсонлар этиб тарбиялаш, уларни юксак тафаккурли, билим ва салоҳиятли, қолаверса, ҳар бир соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиб вояга етишиши борасидаги амалга оширилган кенг қўламли ишлар моҳияти ва аҳамиятини ёшларга тушунтириш, эришилган ютуқларни асраб, янада бойитиб ривожлантириш бугунги ёш мутахассисларнинг бурчи эканлигини барча ёшларга сингдириш зарурлиги семинарда таъкидлаб ўтилди.

"Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиряпти. Мен бу ёшларга ўзинга ишонгандек ишонман", деди Президентимиз. Бу сўзлар замирида навқирон авлоднинг нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўп-қалта амалий мисолларда кўриш мумкин.

Тадбир давомида маърузачилар талабаларнинг берган саволларига мавзудан келиб чиққан ҳолда жавоб қайтарди.

Дилноза НУРМУҲАММЕДОВА

## Орзулар қаноти

### YANGI NASHRLAR

Яқинда ТАТУ Фарғона филиали доценти Набижон СОЛИЕВНИНГ "Ахборот асри илм қошоғи" номли китоби нашрдан чиқди. Китоб Фарғона водийсида ягона бўлган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали фаолияти тўғрисида бўлиб, унда филиалнинг ташкил топиши ва ўтган 7 йил давомида босиб ўтган тарихий йўли ҳақида ҳикоя қилинган. Муаллиф билан қилнган суҳбат китобнинг яратилишига туртки берган омиллар тўғрисида бўлди.

— Хурматли Набижон Ҳасанович, аввало, сизни янги чоп этилган китобингиз билан табриклашга руҳсат этасиз. Ҳар бир янги китоб муаллиф учун фарзандлари сингари азиз деган гап бор. Мазкур китоб қандай сабаблар билан яратилди?

— Раҳмат. Китоб дунёга келишининг асосий сабаби ўқувчиларга янги олий ўқув юрти бўлган ТАТУ Фарғона филиалининг барпо бўлиш тарихи ҳақида маълумот бериш эди. Ниятимга қай даражада эришдим, бу китобхонлар ҳукмига ҳавола. Фақат бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз лозим, ҳар қандай янги олий таълим муассасаси осонликча, сип-силлиққина юзага келиб қўя қолмайди. Бошқа соҳаларда бўлгани сингари бу ўринда ҳам ўз касбига фидойи бўлган инсонларнинг улкан меҳнати, бетиним изланишлари, дадиллик ва ташаббускорлиги муҳим рол ўйнади. Иккинчидан, китобни ёзишга асосан филиалнинг соёқ директори, техника фанлари доктори, профессор Рустам Тешабоев илҳомлангирган десам, тўғрироқ бўлади.

— Маълумки, филиал 2005 йилда ташкил этилган. Уша дастлабки йилда ўқув-услубий ва

илмий жараёни ташкил этиш қандай бўлган?

— Менимча, ёмон бўлмаган. Чунки филиалга ишга тақлиф этилган профессор-ўқитувчиларнинг катта қисми бошқа олий ўқув юртларида кўп йиллар ишлаб тажриба орттирган, ўзига хос салоҳиятга эга бўлган кадрлар эди. Масалан, Қомил ака Акбаров, Неймат Усмонов, Ҳабибулло Абдурахмонов, Раҳматулла Хадиятуллаев, Акбарали Расулов, Набижон Соттибоев ва бошқалар ўз соҳалари ва мутахассисликлари бўйича вилоятимиздагина эмас, хатто республикамиз зиёлилари орасида ҳам таниқли эдилар десам, муболага қилмаган бўламан. Уларнинг қатъий саъй-ҳаракатлари тўғрисида филиалда фоят қисқа муддатда ўқув машғулотлари белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда олиб бориладиган бўлди. Марказий матбуот саҳифаларида ва турли илмий тўпламларда профессор-ўқитувчиларнинг мақола ва тезислари чоп этила бошлади. Уша йили филиалда хатто "Ахборот технологиялари" номли газета ҳам чоп этилди.

— Китобга тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг саккиз нафари тўғрисида алоҳида очерклар ҳам киритилган. Улар қандай



тамоийл асосида таниб олинган?

— Аввало, улар катта илмий салоҳият эгалари, минглаб шоғирдлар тарбиялаб етиштирган устоз ва мураббийлардир. Бугунги талаба уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, илм йўлида олиб борган изланишлари, ижодий мактаби, қолаверса, оилавий муҳити тўғрисида муайян маълумотга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Сизларга эриш туюлмайдим, устоз деб хурматини жойига қўйсангиз, уни шундай даражага бориб етишишга замин тайёрлаган мухит ҳақида, оиласи ҳақида ҳеч нима билмасангиз? Бинобарин, устозлар ҳақида, соҳанинг номдор мутахассислари ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб берувчи китоб ва тадқиқотлар, албатта, эълон қилиниши зарур.

Суҳбатни телекоммуникация факултети талабалари Нарғиза УСМОНОВА ва Гулбаҳор ҒАНИЕВАлар ёзиб олишди

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан, "QIZILQUMSEMENT" очик акциядорлик жамиятининг (Навоий ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003567 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 5 июндан тугатилди.

### Табрикларимиз!

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси бош бухгалтер Алишер УРАЗБАЕВНИ муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлари бахти-қамоллини кўришни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходимлари Маҳмуджон НИЗОМИДИНОВНИ муборак 60 ёшга, Гулсара МАДАМИНОВАНИ 50 ёшга, Учқўрғок телекоммуникациялар боғламаси ходими Мағрифжон АҲМАДАЛИЕВНИ 55 ёшга, Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Мухтор АЛИХҲАЕВНИ 50 ёшга билан табрикларимиз, уларга энг эзгу тилақларини йўллайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Қорақўшиқчи почта алоқаси тармоғи ходимлари Юлдахон ҚОСИМОВА ҳамда Аҳмадхон ИСАКОВНИ, Марқанд Қўқон, Риштон, Олтиариқ, Янқўрғок почта алоқаси тармоқлари ходимлари Иқболхон СИДДИҚОВА, Фарҳоджон ТУРСУНОВ, Қурбонали УМИРҚУЛОВ, Абдурахмон АҲМАДЖОНОВ, Исломжон ҒОИПОВларни 50 ёшга тўлиши билан табрикларимиз, уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари бахти, иқболлини кўришни тилайди.

# Минтақавий семинар

Андижон шаҳридаги "Ҳамкор" халқаро бизнес марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ҳамкорлигида "Босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш тизими ҳамда инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари журналистлари, матбуот тарқатувчилар иштирокида ўтган ушбу анжумани Андижон вилояти ҳокимининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Абдувахоб Нурматов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси директори Сувон Назибидиновлар анжуман қатнашчиларини қутлашди.

Семинардан қўзланган мақсад 2011 йилнинг 30 декабрида Президентимизнинг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлари бериш тўғрисида"ги қарорида белгиланган наشريёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, ОАВ маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш тизими ҳамда инфратузилмасини такомиллаштириш каби масалаларни муҳокама этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Хафизахон Каримованинг маърузаси ҳам айнан шу мавзуда бўлди. Маъмур қарор нафақат оммавий ахборот воситалари, балки матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари фаолиятини ҳам қамраб олади.

Ташкилот ва корхоналарга қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қарор топтиришига ҳам маънан, ҳам моддий ўзгариш ясалишига омил бўлади. Бу ҳужжат, шунингдек,



ҳокимият органлари фаолияти, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ва сиёсий хилма-хиллик, давлатимизда ва унинг ташқарисида рўй бераётган воқеалар ҳақида турли фикрларни ҳисобга олган

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги босма ва китоб нашрлари таннархини сезиларли тарзда пасайтириш, бунинг натижасида миллий матбуотнинг дунё ахборот бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қўмаклашади.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан вақтли матбуот нашрларини тарқатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётгани сабабли матбуот тарқатиш корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг ягона тармоғини ташкил этиш, аҳолини чакана савдо ҳамда обуна орқали матбуот маҳсулотлари билан таъминлаш, уни етказиб беришни жадаллаштириш, пировард натижада унинг нархини пасайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги "Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 418-қарори қабул қилиниб, бу соҳада ягона тизим ташкил этилганди.

Кейинги вақтда тизим ишини янада яхшилаш мақсадида бир қатор чоратadbirlar қўрилмоқда. Шулардан бири "2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш Дастури" қабул қилиниб, бир қатор ишлар амалга оширилаётганидир.

Обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни тезкор ташкиллаштириш ва мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида компания шох-бчаларидаги терминаллар сони 147тага етказилди.

Мамлакатимизда фаолият қўрсатётган матбуот дўконлари сони 1136та. Компаниянинг чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 турдаги китоб маҳсулотлари савдога чиқарилган бўлса, бугунги кунда 1320дан ортик турдаги китоб маҳсулотлари тармоқ киосклари орқали сотувга қўйилган. Бугунги кунда компаниянинг обуна каталогига 500дан ортик марказий вақтли матбуот нашрлари ва китоблар ҳамда 500дан зиёд маҳаллий матбуот нашрлари киритилган.

Бу ва бошқа амалга оширилаётган юмушлар, ечимини қутаётган камчиликлар "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари Шавкат Абдукаримов, Матбуот ва ахборот агентлиги лицензиялаш бошқармаси бошлиғи Улугбек Султонов, Андижон вилоят "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамияти директори Муқимжон Раҳимов ҳамда Фарғона ва Наманган вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхоналари директорлари Башоратхон Жалилова ва Холмисхон Мамадалиева-ларнинг маърузаларида ўз аксини топди. Эришилаётган катта ютуқларда компаниянинг водийдаги жамият ва шўъба корхоналари, хусусан, Андижон "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамияти жамоасининг катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Маърузалар юзасидан мунозаралар бўлди. Иштирокчиларнинг долзарб мавзуларга оид саволларга маърузачилар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари жавоб беришди.

Восит АҲМАДХОНОВ

**Мамлакатимизда фаолият қўрсатётган матбуот дўконлари сони 1136та. "Матбуот тарқатувчи" АКнинг чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 турдаги китоб маҳсулотлари савдога чиқарилган бўлса, бугунги кунда 1320дан ортик турдаги китоб маҳсулотлари тармоқ киосклари орқали сотувга қўйилган. Бугунги кунда компаниянинг обуна каталогига 500дан ортик марказий вақтли матбуот нашрлари ва китоблар ҳамда 500дан зиёд маҳаллий матбуот нашрлари киритилган.**

холда давлат ташқи ва ички сиёсатининг ошқоралиги, очиклигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

## Спорт — ҳамроҳимиз

Юзга яқин хотин-кизлар ишлайдиган Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказининг касабаси уюшмаси томонидан 1,5 млн. сўм ажратилиб Мустаҳкам оила йили муносабати билан "Соғломлаштириш бурчати" ташкил этилди.

Ушбу соғломлаштириш марказида шахмат, шашка, стол тенниси, велотренажёр, ҳалқа, волейбол тўпи, гантеллар мавжуд бўлиб, ходимлар бўш вақтларида ўз саломатликларини мустаҳкамламоқда.

Маҳбуба КУЛОВА,  
АКМ илмий  
услубият бўлими мудири

## Зафар муборак, Зойиджон ака!

Мустаҳкам оила йилига бағишланган мини-футбол мусобақасида яна Сурхондарё вилояти Электромагнит мослашув хизмати жамоаси муваффақият қозонди. Улар финалда "Матбуот тарқатувчи" вилоят шўъба корхонаси спортсеварлари билан яшил майдонга тушиб, чинакам махорат соҳиблари эканликларини кўрсата олишди. Натижада ҳамкасблар бу гал ҳам мини-футбол бўйича вилоят мусобақаси кубогини қўлга киритишди.

Спортда эришилган галаба ҳақида гапириш осон. Аммо, унинг замирида кўп меҳнат мужассамлигини тасаввур этиш қийин. Дарҳақиқат, вилоят элек-

тромагнит мослашув хизмати бошқармаси бошлиғи Зойиджон Аҳмедов жамоада спортнинг оммавийлигига эришиш учун астойдил изланди. Энг муҳими, ҳар томонлама чиниққан ёшларни ягона мақсад сари жипслаштиришга бирламчи вазифа сифатида қаради. Улар қалбида мусобақаларга шунчаки талбир эмас, балки жамоасини танитадиган "манба" доирасида ёндашиш туйғусини уйғота олди. Шу тўғрисида энг қаққон ва энг зукко ходимлар ҳисобига кучли ўнлик шаклланди. Агар ака-ука Рустам ва Анвар Муродовлар яшил майдонда бошланган ҳужумни чиройли ҳаракат-

лари билан яқунлай олаётган бўлишса, химоячи Шоқиржон Алламурадov ишонччи сидқидилдан оқламоқда. Икром Қурбонov эса рақибни доғда қолдира оладиган дарвозабон бўлиб танилди.

Хуллас, бугун биз яна бир бор "Зафар муборак, Зойиджон ака!" деб турибмиз. Истагимиз шуки, бу қувончли сўзни Мустаҳкам оила йилига бағишланган мусобақанинг республика финал босқичи якунида ҳам баралла айтайлик!

Нортожи ЗИЁЕВ,  
"Xabar"нинг Сурхондарё  
вилоятидаги муҳбири

## КИЧИК АЛИДАН ЕНГИЛГАН ЖИН

Бир қишлоқда икки Али бўлган экан. Бир — Кичик Али, иккинчиси — Катта Али. Катта Али қанчалар ялқов, укүвиз ва қўрок бўлса, Кичик Али шунчалар меҳнатсевар, уддабурон ва ботир экан.

Кунлардан бирида қишлоқ аҳли галла ўрмига кетадиган бўлишибди. Катта Алини барибир бир ишнинг уддасидан чиқолмайди, яхшиси уйда қолиб ховлини кўриқласин деб, қишлоқда қолдиришибди. Шу кунни Кичик Али ҳам бобосига қараб туриш учун, уйда қолган экан.

Қишлоқда болалар ва кексалар қолганидан хабардор бўлган Жин, қудай фурсат келганидан қувониб, аввал Катта Алининг эшигини тақиллатибди:

— Хой, ким бор? — дебди у.

Катта Али дағ-дағ титраб, уйда ёлғиз эканлигини айтибди.

— Унда эшикни оч, бўлмаса бузиб, ичкарига қираман, — дебди Жин уни кўрқитиб. Катта Али кўрқанидан эшикни очибди. Жин унинг оёқ-қўлини боғлаб аравасига

солиб кетибди. У Катта Алини хизматкорлари сафига қўшибди-да, яна қишлоққа қайтибди.

Бу гал у Кичик Алининг эшигини тақиллатибди:

— Хой, ким бор? — дебди у дағдага билан.

Кичик Али Жиннинг дағдағасига парво ҳам қилмасдан:

— Уйда мен ва хизматкорларим бор. Гапинг бўлса айт-да, йўлингдан қолма дебди.

Жин:

— Хизматкорларингга айт, эшикни очсин. Бўлмаса эшикни бузиб қираман, — дебди.

— Эшик очик, қирсанг қирақол, — дебди яна Кичик Али пинагини ҳам бузмай.

Жин эшикни очса, қаршисида ўзидек баҳайбат бир махлук важоҳат билан унга қараб турганмиш. Жин кўриб кетибди. Унинг кўрқанини сезган Али: "Қолган хизматкорларимни ҳам қақрайми?", — дебди. Жин бу гапни эшитиб олди — орқасига қарамай қочиб қолибди. Аслида Кичик Алининг ҳеч қандай хизматкори йўқ экан. Кичик Али катта тош ойнани унга рўпара қилгани учун, Жин унда ўз аксини кўриб кўрқиб кетган экан. Чунки у умрида ойнада ўзини кўрмаган экан-да.

Жин шу қочганча бозорга борибди. Олдида йўлда катта тошойна қўтарган одам чиқиб қолибди. У ойнада яна ўз аксини кўриб, бу Алининг хизматкори бўлса керак, хойнахой мени

қувлаб келяпти, деб ўйлабди. Шу пайт чопиб келаётган бошқа бир одам ойнага урилиб кетибди-ю, ойна чилчил синибди. Буни кўрган Жин энди махлукдан қутулдим деб яна Алиникига чопибди.

Бу гал ҳам эшикни ўзи очиб кирса, ховлида боягина яқсон бўлган махлук турганимиш. Буни кўрган Жин "унинг хизматкори ўлса яна тирилиб кетадиган хилидан экан" деб, кўрқанидан Алига "Хизматкорингга айт, ортимдан қувиб овора бўлмасин, қайтиб сени безовта қилмайман", дебди.

Кичик Али яна бўш келмасдан: — Қорангни ўчир, аммо Катта Алини қишлоққа қайтармасанг, хизматкорларим сени тинч қўймайди, — деб қичқирибди ортидан.

Айтишларича, Жин шу кунгик Катта Алини озод қилиб қишлоққа қайтарибди. Ўзи эса шу кетганча қишлоқда қорасини ҳам кўрсатмабди...

Хидоят ОЛИМОВА

## Қахва фойдали...ми?

Қахва ҳар биримизнинг сеямли ичимликимизга айланган. Лекин унинг фойдали ва зарарли томонлари қаҳва ҳам билвермас керак. Барселона университети нейрорепсихологлари тетиклантурувчи алкохолсиз ичимликларнинг миёга таъсирини текшириганида, шакар солинган қаҳва олдинги ўрини эгаллади. Магнит-резонанс томография ёрдамида мунтазам қаҳва ичувчиларда миёнинг оператив хотира ва диққат-этибор учун масъул худудларида нейронлар фаоллашгани кузатилаётган.

Олимларнинг хулосасига кўра, кофеин ва глюкозанинг бирлашиши ақлий қобилиятни яхшилайди, инсоннинг тетиклашиши ва қаҳва хажми маълумотларни яхши эслаб қолишида муҳим рол ўйнайди. Шакарсиз қаҳва эса бундай хусусиятга эга эмас. У инсонни тетиклаштиради, холос.

Шуниси диққатга сазоворки, кофеин алкалоиди асаб ва юрак қон томирлари тизимига дарҳол таъсир қилиб, бу таъсир икки соатгача давом этади. Шунингдек, қаҳвада уйқунни келтирувчи хлороген кислотаси мавжудлиги аниқланган. Ушбу кислота туфайли 15 фоизгача бўлган микдордаги одамларни қаҳва ичганида уйқу босади. Лекин бир оз ўтиб у тетиклашади.

Дарвоқе, қаҳванинг қандай фойдали томонлари бор?

- Бир финжон қаҳва 5-10 дақиқа давомидан қон босимини 15 мм. симоб устунига оширади.
- Мадорсизликда, нафас қиснишида, об-ҳавога боғлиқликда томирлар фаолиятини яхшилайди.

- Бўйин остеохондрози ва бош оғриғида оғриқ қолдирувчи ва бўшаштирувчи таъсир кўрсатади.

- Қаҳва таркибидаги метилпиридин моддаси тананинг ўсмаларга қарши кураш қобилиятини кучайтиради.

- Нафас йўллари мушакларини бўшаштиради ва астмада нафаси қисган беморларнинг ахволини енгилаштиради.

- Ёрлар парчаланишига ва фойдали холестерин ишлаб чиқарилишига ёрдамлашади, қон таркибида мавжуд зарарли холестерин микдорини пасайтиради.

- Ис гази билан захарланши ҳолатида захар асоратини қесади.

Шунингдек, қаҳванинг ўзига яраша қуйидаги зарарли томонлари ҳам бор:

- Қаҳва ошқозон суюқлиги ишлаб чиқарилишини кучайтиради. Гастрит ва ошқозон суюқлиги ошиши оқибатида юзага келган ярада қаҳва ичиш мумкин эмас.

- Ўт-тош касаллиги билан оғриганлар ҳам қаҳвадан эҳтиёт бўлишлари лозим. Сабаби, қаҳва ўт суюқлиги чиқарилишини кучайтиради ва ўт йўллари тикилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

- Аритмия (томирлар беқарор уриши)да қаҳва ичишдан эҳтиёт бўлиш керак, чунки юрак ишининг мароми бузилиши мумкин.

- Қон босими ошадиган кишилар қаҳвани фақат эрталаб, сут қўшилган ҳолда жуда суюқ қилиб ичишлари талаб этилади.

Шундай экан, қаҳва ичишда эҳтиёт бўлинг!

## BILIB QO'YGAN YAXSHI

● Ҳеч қачон нонуштани соат 10дан кейинга қолдирманг. Агар буни унутсангиз, жигар ўз захирасидаги гликогендан фойдаланади. Бундай ҳолатда сиз дармонсизликка дучор бўласиз, жигар эса қуялик фаолиятини бажара олмайди. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда бир бўлак нонни чой билан истеъмол қилинг.

● Жигарни спиртли ичимликлар бузади. Таркибида алкоғоли кам бўлган пиво ва бошқа ичимликлар ҳам арок ёки қоняқдан кам таъсир қилмайди.

● Доривор ўтлар билан даволанинг. Зубтурум, бўзоч ўсимликлари жигар хасталикларини даволашда қўл келади.

● Терлаш жигарга ёрдам беради. Тер билан бирга организмдан кераксиз ва захарли моддалар чиқиб кетади.

● Жигар фаолиятини яхшилашда сариёғ, қаймоқ ва зайтун, соя, кунгабоқар ҳамда жўхори ёғлари ёрдам беради.

● Кўпроқ шўрва ичиш лозим. Қўқатлар солинса, яна ҳам фойдали.



## Ханга

Бемор:

— Кейинги пайтда негадир кўзим хира-лашиб қолди.

Шифокор:

— Кўпроқ қизил сабзи енг, кўз қувватини оширади.

Бемор бир оз шубҳаланиб:

— Сабзи дейсани, ёрдам берадими ишқилиб?

Шифокор:

— Албатта, ёрдам беради! Нима, умрингизда кўзойнак таққан қуёни кўрганмисиз?

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҚАЙҲАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ,  
Миродиял САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ,  
Шомаъсур АБИДХОДЖАЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ,  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул қотиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғричилигига тахририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчада 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	---------------------	---------------------	-------------------